

## УРУҒЧИЛИК ДАЛАЛАРИДА ТУРЛИ ЭКИШ УСУЛЛАРИНИ ШОЛИНИНГ “ЛАЗУРНЫЙ” НАВИНИНГ КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИГА ТАЪСИРИ

**Усмонов Қобил Гаффор ўғли**, таянч докторант

Шоличилик илмий тадқиқот институти,

[gobilusmonov9220@gmail.com](mailto:gobilusmonov9220@gmail.com)

**Аннотация:** Шолининг кечпишар Лазурный навини ҳар хил: шоли уруғларини куруқ тупроққа сеялкалар ёрдамида экиш, шоли кўчатларини қўл кучи ёрдамида экиш, шоли кўчатларини механизмлар ёрдамида экиш, шоли уруғларини қўл кучи ёрдамида сочма усулда экиш каби усулларда экишнинг кўчат қалинлигига таъсири ўрганилди. Бунда кўчатларни ўримгача сақланиш кўрсаткичи ва маҳсулдор тупланувчанлик даражаси шоли кўчатлари қўл кучи ёрдамида экилган вариантда ( 93,3 % ва 3,4 ) юқори бўлди, 1 м<sup>2</sup> даги маҳсулдор поялар сони бўйича юқори кўрсаткичлар эса шоли кўчатлари механизмлар ёрдамида экилган вариантда (249,6 дона )кузатилди.

**Калит сўзлар:** Лазурный, кўчатларни ўримгача сақланиши, маҳсулдор тупланувчанлик, маҳсулдор поялар сони.

## THE EFFECT OF DIFFERENT PLANTING METHODS ON THE SEEDLING THICKNESS OF RICE VARIETY "LAZURNY" IN THE SEED FIELDS

**Usmanov Qobil G'affor o'g'li**, PhD student

Rice Research Institute,

[gobilusmonov9220@gmail.com](mailto:gobilusmonov9220@gmail.com)

**Annotation:** The effect of sowing the late Lazurniy variety of rice in different ways: planting rice seeds in dry soil using seed drills, planting rice seedlings using

hand power, planting rice seedlings using machinery, and sowing rice seeds using manual scattering method on seedling thickness was studied. In this case, the indicator of the preservation of seedlings until harvest and the level of productive germination were high in the option where rice seedlings were planted by hand (93.3% and 3.4), while high indicators of the number of productive stems per 1 m<sup>2</sup> were in the option where rice seedlings were planted using mechanisms (249.6 pcs. ) was observed.

Академик Г.Г.Гуциннинг маълумотлари бўйича XX асрнинг бошларида Ҳиндистон, Хитой, Япония, Корея, Малайзия ярим ороли, Ява, Филиппин сингари жуда кўп шоличиликнинг қадимий ўчоқларида шолени фақат кўчатидан экиб ўстириш жуда кенг тарқалган.[2]

Шоли етиштиришда энг муҳим сифат кўрсаткичлардан бири кўчатларни сақланувчанлик даражасидир. Сақланувчанлик деганда вегетация бошида тўлиқ униб чиққан майсалардан вегетация охирида сақланиб қолган кўчатлар миқдорини фоизларда (%) ифодаланишига айтилади.

Ўсимликлар сони кам бўлганда далада бегона ўтлар кўпаяди, ўсимликнинг озуқа элементлари ва намликдан фойдаланиш кўрсаткичи кескин камаяди, натижада ҳосилдорлик ҳам пасаяди. Бироқ ўсимликлар сони меъеридан ортиқ бўлганда ўсимликлар нимжон ўсади, ётиб қолишга мойил бўлади, бу ҳолат ҳосилнинг пасайишига олиб келади. Шунинг учун энг мақбул кўчат қалинлигини ўрганиш қишлоқ хўжалигида муҳим ва долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. [3]

Бизнинг тажрибамизда шоли кўчати 30 кунлик шоли кўчатлари далага ўтказилиб 20 кундан сўнг ва ўримдан олдин кўчатлар ва поялар сони ҳисоблаб чиқилганда шу нарса маълум бўлдики, экилган кўчатнинг ўримгача сақланиши, ҳосилдор поялар сони, бевосита ўрганилаётган навларнинг биологик хусусиятига боғлиқлиги кузатилди 1- жадвалга қаранг.

## 1-жадвал

**Турли экиш усулларини шолининг Лазурный навининг кўчат  
қалинлигига таъсири**

№	Вариантлар	Ўсимликлар сони, дона/м <sup>2</sup> .		Кўчатни ўримгача сақланиши, %
		Экиш даврида	ўримдан олдин	
1	<b>Шоли уруғларини қўл кучи ёрдамида сочма усулда экиш, St</b>	285	181	63,6
2	<b>Шоли кўчатларини қўл кучи ёрдамида экиш</b>	75	70	93,3
3	<b>Шоли кўчатларини механизмлар ёрдамида экиш</b>	84	78	92,8
4	<b>Шоли уруғларини қуруқ тупроққа сеялкалар ёрдамида экиш</b>	280	240	88.8

Маълумки, шолени уруғидан ҳамда кўчат усулида экилганда ҳам, ҳосилдор поялар сони ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши, ҳосилдорлигига таъсир қиладиган асосий кўрсаткич ҳисобланади. Б.Азизов, Р.Умаровларнинг (2013) таъкидлашича уруғлик сифати даладаги кўчат қалинлигига ҳам боғлиқ бўлади. [1]

Тажрибамизнинг барча вариантларида кўчат қалинлиги бўйича нисбатан юқори кўрсаткичлар шоли сочма усулда экилган вариантларда қайд этилган.

Шоли кўчатлари кўлда ва механизмда экилган вариантларда кўчат қалинлиги назорат вариантыга нисбатан паст кўрсаткичлар қайд этилган

Т.В. Иванов 2005-2007 йилларда олиб борган тажрибаларида дала унувчанлиги навларнинг ўсув даврига қараб ўзгариши кузатилган. Кечпишар навларда 35,6-38,8%, ўртапишар навларда 34,5-36,6% ва эртапишар навларда 33,4-34,3% ни ташкил қилган [4].

Тажрибада шолнинг маҳаллий Лазурний навининг 1 м<sup>2</sup> кўчатлар сони уруғ сочма усулда экилган назорат вариантыда вегетация бошида 285 донани, вегетация охирида 181 донани ташкил этиши кузатилган. Шоли кўлда кўчат усулида экилган вариантда 1 м<sup>2</sup> майдонда кўчатлар сони вегетация бошида 75 донани, вегетация охирида 70 донани ташкил этиши қайд этилган. Шоли механизмда экилганда 1 м<sup>2</sup> кўчатлар сони вегетация бошида 84 донани, вегетация охирида 78 донани ташкил этиши аниқланган. Шолини тупроққа экилганда 1 м<sup>2</sup> кўчатлар сони вегетация бошида 280 донани, вегетация охирида 240 донани ташкил этиши аниқланган. Шоли кўчатларининг сақланувчанлиги шоли сочма усулида экилганда 63,5 % , кўлда кўчатдан экилганда 93,3 % , мезанизмдан экилганда 92,2 % ни, тупроққа экилганда 88,8 % ни ташкил этган.

Шунингдек шоли экинига ҳос бўлган муҳим хусусиятлардан бири ўсимликнинг тулланиш даражаси юқорилигидадир. Яъни, шоли бошқа ғалладон экинлари сингари кучли тулланиш хусусиятига эга. Шолнинг бу хусусияти макбул муддатларда экилганда кўчатлар сони нисбатан сийрак бўлган ҳолларда ҳам юқори агротехник тадбирлар қўлланилганда етарли миқдорда маҳсулдор поялар шаклланишини таъминлаши мумкин.

Шоли кучли тулланиши учун поялари бакуват ўсади, натижада ўсимликнинг ётиб қолишга чидамлилиги юқори бўлади. Кўчат усулида экилган шоли навлари деярли ётиб қолмайди.

Тупланувчанлик хусусияти шолига мунтазам равишда барқарор юқори дон ҳосили олиш имкониятини беради. Яъни, тупланувчанлик даражаси канчалик юқори бўлса ҳосилдорлик имконияти шунчалик юқори бўлади.

Шу туфайли шолчилик билан боғлиқ илмий тадқиқот ишларида ўсимликнинг кўчат қалинлиги ва маҳсулдор тупланувчилигини ўрганишга алоҳида эътибор берилади. Тажрибада такрорий экилган шолнинг кўчат қалинлиги ва маҳсулдор тупланувчанлиги тўғрисидаги маълумотлар 2- жадвалда келтирилган.

## 2-жадвал

### Турли экиш усуллари шолнинг Лазурний навининг тупланувчанлиги ва маҳсулдор поялар сонига таъсири

№	Экиш усуллари бўйича вариантлар	1 м <sup>2</sup> ўсимлик, дона	Маҳсулдор тупланувчанлик	1 м <sup>2</sup> маҳсулдор поялар сони, дона
1	Шоли уруғларини қўл кучи ёрдамида сочма усулда экиш	181	1,3	235,0
2	Шоли кўчатларини қўл кучи ёрдамида экиш	70	3,4	238,0
3	Шоли кўчатларини механизмлар ёрдамида экиш	78	3,2	249,6
4	Шоли уруғларини қуруқ тупроққа сеялкалар ёрдамида экиш, St	240	1.1	211.2

Тажрибалар шуни кўрсатдики маҳсулдор поялар сони ва маҳсулдор тупланувчанлик даражаси бўйича энг юқори кўрсаткич шол кўчатлари қўлда экилган вариантда тегишлича 1 м<sup>2</sup> даги маҳсулдор поялар сони 238 тани маҳсулдор тупланувчанлик даражаси 3,4 ни ташкил этди. Қолган вариантларда шол кўчатлари механизмда экилган вариантда эса 1 м<sup>2</sup> даги маҳсулдор поялар

сони нисбатан камроқ 249 донани ва маҳсулдор тупланувчанлик даражаси 3,2 ни, шоли кўчатлари сочма усулида экилган вариантда 1 м<sup>2</sup> даги маҳсулдор поялар сони 235 донани ва маҳсулдор тупланувчанлик даражаси 1,3 ни, шоли кўчатлари дон сеялкаси ёрдамида тупроққа экилган вариантда 1 м<sup>2</sup> даги маҳсулдор поялар сони 211.2 донани ва маҳсулдор тупланувчанлик даражаси 1,1 ни ташкил этди.

Бундан кўриниб турибдики масулдорликда дастлабки кўчат сони эмас балки маҳсулдор тупланувчанлик муҳим рол ўйнайди. Сочма ва тупроққа экилган вариантларда тупланиш даражаси паст бўлганлиги учун маҳсулдорлик ҳам мос равишда камайиши кузатилди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Азизов Б, Умаров Р. //Уруғ сифатини шолнинг ўсиш ривожланиш ва кўчат қалинлигига таъсири//. Шоли ва дукакли-дон экинлари етиштиришнинг муамолари ва истиқболлари: селекция, уруғчилик, агратехника ва жорий қилиш мавзусидаги республика илмий-амалий конференция туплами. Тошкент 2013.( 61-63 бетлар)
2. ушин Г.Г. Рис. Ленинград. 1930 г. С 11-15
3. Й.Б.Саимназаров ва бошқалар. Ўзбекистонда шоли етиштириш бўйича услубий кўрсатма. Тошкент. 4-7-б.
4. Иванов Т.В. Шоли навларнинг ўсув даврига қараб дала унувчанлиги ўзгариши. // Краснодар. 2007. с. 229